Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 38 (7. 127) 1990 йил 16 февраль, жума Баҳоси 3 тийин



⊙ НОЗИК КАСБ СОҲИБАСИ. «Металлобетремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехида ослади ган турли-туман дорлар тайёрланадиган цехининг моҳир йигувчиси Назира Аламова. Т. Каримов сурати.

СЕССИЯ: МУЛК ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

МОСКВА, 15 февраль (ТАСС) Парламентимиз учинчи сессиясининг навбатдаги мажлиси бугун эрталаб СССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди. Мажлисга А. И. Лукьянов раислик қилди.

Сўнгги кеча-кундуз мобайнида СССР Олий Советига коллективлар ва айрим гражданлардан келган телеграммалар аввалги мажлисда депутатлар сессия ишини асосий, жуда катта аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларидан бошлаш кераклигини талаб қилганликлари улар бошқаларга нисбатан ҳақиқатга яқинлашганликларини тасдиқлади.

Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан доклад қилган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин комитетлар ва комиссияларда қонун лойиҳасини ўтказиш тарихини, унинг умумхалқ муҳокамаси натижаларини эслатади. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, деди у, депутатлар мулк тўғрисидаги қонунни қандай қабул қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Докладчи ҳатто шундай фикрни ҳам айтди: Совет ҳокимияти ташкил топганидан бери ўтган 72 йил ичида бу даражада чуқур ва туб ўзгаришлар бўлмаган эди. Қонун лойиҳасининг моҳияти шундаки, у мулкчиликнинг турли-туман шакллари тўғрисидаги принципиал қоидага асосланган.

Шундан кейин депутатлар СССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари Ю. Х. Калмиковнинг ахборотини тингладилар.

Шундан сўнг СССР Олий Советининг Иқтисодий ислоҳот масалалари комитети номидан сўзга чиққан А. Н. Бойко қонун лойиҳасининг концепцияси тузилишига тўхталди. Унинг қабул қилиниши муҳимлигини таъкидлади.

Л. И. Абалкин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессия кун тартибига ҳозирча 21 та долзарб масала киритилган. Лекин бу кун тартибига яна бошқа масалалар киритилмайди, деган маънони билдирмайди. Сессия чоғида қўшимчалар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

14 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди.

1990 йилда Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бюро Ўзбекистон Компартияси область комитетларининг съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясини қуйидаги муддатларда: партия комитетлари ва партия бюролари бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларни 10 мартдан 15 апрелгача ўтказиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. Партия группаларида, шунингдек камида 15 нафар КПСС аъзоси бўлган ҳамда ҳисобот ва сайлов йиғилишлари 1989 йилда ўтказилган цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ана шу муддатларда ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини шаҳар ва район партия комитетларига бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда аниқлаш вазифаси топширилди. Шаҳар, район партия конференцияларини апрель—май ойларида, область партия конференцияларини май ойида ўтказишга қарор қилинди.

Муҳокама чоғида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида партия ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган партия органлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги принципиал масалалар кўриб чиқилиши кераклиги таъкидланди. Регионда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, умуман сайлаб қўйилган орган, шунингдек унинг ҳар бир аъзоси фаолиятига принципиал баҳо берилиши лозим. Ҳар бир партия аъзосининг эркин хоҳиш-иродасини таъминлаб, демократик воситалар орқали сайлаб қўйиладиган янги партия органларини тузиш ва партия конференцияларига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ҳамда КПССнинг XXVIII съездига делегатлар сайлаш составини белгилаш, партия кучларини қайта гуруҳлаш, етилган кадрлар масалаларини ҳал этиш керак бўлади.

Йиғилишлар ва конференцияларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави, Ўзбекистон Компартияси Сиёсий ҳаракат программасининг лойиҳалари, шунингдек партия ташкилотларининг ана шундан келиб чиқадиган вазифалари кенг муҳокама қилинади.

Марказий Комитет Бюроси Марказий Комитетнинг аъзолари ва аъзоликка номзодларига, Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлашда зарур ёрдам бериш ҳамда уларнинг ишида фаол қатнашишни тавсия этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг уни КПСС сафидан чиқариш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризасини муҳокама қилди. 1988 йилда партия турмуши нормаларини бузган, хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ва порахўрлик билан шуғулланган, деб унга қўйилган айблар бекор қилинганлиги муносабати билан Бюро ўртоқ Н. Р. Ражабовга нисбатан илгари қабул қилинган қарорни асоссиз деб бекор қилди. Ўртоқ Н. Р. Ражабовни КПСС сафига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига қайта тиклаш тўғрисидаги масалани Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленуми муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий Комитет Бюроси ўртоқ Н. Р. Ражабовни Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этди.

Бюро мажлисида республика ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида журналистлар билан учрашувлар анъанага айланди.

15 февраль куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. Попов келдилар. Мамлакатимиз ва республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушига доир кўплаб масалалар ўртага қўйилди. Булар энг аввало КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунлари, КПСС XXVIII съездига партия Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасининг қабул қилиниши, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови масалаларидан иборат. Республиканинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиш муаммолари ошкора суҳбатда муҳим ўринни эгаллади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари, «Иш билан таъминлашдек» жуда муҳим Давлат программаси амалга оширилиши тўғрисида гап борди.

Учрашувда ҳозирги муракаб вазиятда, қайта қуриш жараёнларининг бурилиш даврида оммавий-ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаол иштирок этиши, барча тараққийпарвар кучларнинг жипслашувида бирлаштирувчилик ролини ўйнаши, партия сиёсати ва мафкурасини, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга оширувчи муҳим восита бўлиши керак, деб таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида саноат, қурилиш, транспорт корхоналарининг электр қувватини иқтисод қилиш бўйича социалистик мусобақасининг 1989 йил тўртинчи квартали якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мусобақада 180 коллектив иштирок этди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети ва касаба союзлари Тошкент область Совети мусобақа якунларини кўриб чиқиб, биринчи ўринни белгиланган нормадаги электр қувватининг 36 фоизини иқтисод қилиб қолган «Водоканал» трестига бердилар. Трестга кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти ҳам (2000 сўм) топширилади.

Иккинчи ўрин ва мукофот (600 сўм) белгиланган нормадаги электр қувватининг 1,3 фоизини иқтисод қилиб қолган «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига берилди. Учинчи ўрин ва мукофот (200 сўм) «Ташхимсельмаш» заводига берилди.

«Фотон» бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари коллективларининг электр қувватини иқтисод қилиш борасида яхши ишлаганликлари қайд этилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ **М. С. Горбачевнинг СССР Олий Совети учинчи сессияси очилишида сўзлаган нутқининг матни берилган.**

⊙ **Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 14 февраль куни бўлган мажлиси ҳақида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг суверен ҳуқуқларини, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашини кенгайтириш негизида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш комиссиясининг 11 февраль куни бўлган кенгайтирилган мажлиси ҳақида ҳисоботлар эълон қилинган.**

⊙ **Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь ойидаги иш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг хабари босилган.**

⊙ **Яқинлашиб қолган сайловларга бағишланган материаллар, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.**

Раҳм-шафқатли бўлайлик

Район хайрия фонди

Ленин районида бўлиб ўтган таъсис конференцияси ўз қарори билан Тошкент шаҳар раҳм-шафқат ва саломатлик фондига ёрдам район комиссиясини тасдиқлади.

Ёрдам комиссиясининг бош вазифаси район миқёсида, турар жойларда хайрия тадбирларини ўтказишда меҳнат коллективларининг, хизматларнинг, ташкилотлар ва жамоатчиликнинг куч-ғайратини мувофиқлаштиришдан иборат. Модомики, ҳар қандай амалий ишни молиявий қўллаб-қувватлаш керак бўлгани учун комиссия район хайрия фондининг махсус ҳисоб счётини очди. Бу маънидан тўғри. Чунки, пул сарфламай туриб кам таъминланган ёлғиз қарияларга амалий ёрдам бериб бўлмайди. Унинг квартирасини ободонлаштириш, ремонтдан чиқариш, бошқа маиший муаммоларини ҳал этиш учун — ҳаммасига пул керак. Айтмоқчи, ҳозир районда пенсионерларнинг ўзидан 24.500 нафари истиқомат қилади. Болалигидан ногиронлар, кўп болали оилалар ҳам бор. Мана шунинг учун, ҳар бир хонадонга дардалам, ғам-ташвиш ўрнига раҳм-шафқат ва ҳамдардлик кириб бориши учун куч ва маблағларни мувофиқлаштириш зарур.

Район партия комитети, район ижроия комитети, район комсомол комитети, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи, «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Импульс» ёшлар техникавий ижоди маркази фондининг таъсис этувчилари бўлишди. Уларнинг кириш бадали 77 минг сўмни ташкил этди.

Ердам комиссияси 25 кишидан иборат, унга район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Е. Н. Жидкова бошчилик қилмоқда.

Л. МИЛОВА.

Ақл-идрок тантана қилсин

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, у тўхтаб, босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаш талаб қилинади. Шундай қилинганда босиб ўтилган йўлдан хулоса чиқариб, ақл билан яна олга қадам ташлаш мумкин бўлади. Бутун бир халқ ҳаётида ҳам ўтмишни шундай, доимо ёдда тутиш лозим. Зеро, тарих бугун яратилади.

Ўзбек халқи нуҳни даврларга бориб тақаладиган ўз тарихи билан фахрланиши мумкин. Бу тарих унинг фақат эзгуликка ўргатган. Халқимиз умумий уйимизга ташвиш ва қайғу қадам қўйган тарихининг таҳликали пайтларида ҳам бу эзгуликни намоён этди. Биз қўшнимиз хонадонида йиғи товушини эшитганимизда ҳеч қачон уйимизни қулфламаганмиз ва бу ташвишдан ўзимизни четга олмаганмиз. Биз қардошларимиз билан ноинжиликнинг сўнгги бўлагини баҳам кўрганмиз, қалбимиз тафтини аямаганмиз.

Бизнинг йўлимиз ҳамиша ҳам енгил ва равон бўлмаган. Лекин бу пайтда ўз тилларн ва урф-одатларига эга бўлган ота-боболаримиз, опа-сингилларимиз биз билан ёнма-ён қадам отган. Биз улар билан елкама-елка туриб урушнинг машаққатли йўлларини босиб ўтдик, биргаликда оч-наҳор қолдик, биргаликда бунёдкорлик ишлари билан шуғулландик, севдик, севилдик, кувондик.

Ҳа, бу йўл бизни бир-биримизга яқинлаштирди, қон-қардош қилди, лекин аралаштириб юбормади. Ҳар бир халқ тарихининг кескин ва аянчли бурилишларига қарамасдан, ўзлигини, миллий қиёфасини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қайта қуриш инқилобининг кучғайратини жунбушга келтирди, бизга диққинафасликдай чиқиб йўлимни кўрсатди. Биз фақат олға, истиқлол сари боришимиз керак ва бу йўлда дастлабки қадамларни қўя бошладик.

Ота-боболар, опа-сингиллар, бир дақиқа одимимизни секинлаштириб, атрофимизга қарайлик. Биз бир-биримизни тирсакларимиз билан туртаётганимиз, жаҳлга жаҳл билан жавоб қайтараётганимиз йўқми! Эски, ҳамиша ҳам асосим бўлмаган хафагарчиликларимизни яна ёдга олмаяпмизми! Агар биз фақат ўзимиз ҳақда ўйласак тўғри йўлдан адашиб кетмаймизми! Сумгаит ва Фарғонанинг, Боку ва Ереванниг, Янги Узень ва Душанбенинг қон сизиб турган жароҳатлари бизни ақл-идрокка чақириши, ўзаро можаро алангасини ўт олдириб, бизга мутлақо бошқа йўл кўрсатаётган бошқа кимсалар ҳам оромизда борлигини ёдга солиши керак.

Биз том маънода халқчил, миллий фахримизнинг ўзига хос ифодаси, миллий манфаатларнинг ҳимоячиси бўлган зиёиларимизга мурожаат этмоқдамиз. Халқ ҳамиша бизга ишонган ва бизга эргашган. Келинг, тарихимизнинг ҳозирги туб бурилиш нуқтасида оғир-вазмин бўлайлик, ақл-идрок билан иш тутайлик. Зеро, ҳаёт ҳудди шу йўл билангина халқ тақдирини енгиллаштиришмиз, мамлакатни берк кўчадан олиб чиқишимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Биз сизларга—оталар ва оналар, ишчилар ва хизматчилар, студент ва ўқувчилар, ветеранлар, Тошкент шаҳрининг, кўпмиллатли республикамизнинг барча аҳолисига мурожаат этмоқдамиз.

Халқнинг фаоллиги кўпсонли митингларда намоён бўлди. Лекин шу билан бирга митинг қатнашчиларининг орасида бугунги кунда сўзамолликни билан енгил обрў-эътибор қозонишга интилаётганлар ҳам топилиб қолди. Йўқ, биз митингларга қарши эмасмиз, аммо бугунги кунда ҳатто энг оташин нутқлар билан ҳам ҳудди сеҳргар таёқчасидек янги уйжойларни барпо қилиб бўлмайди, ишсизликни йўқотиб бўлмайди, атроф-муҳитни соғломлаштириб, Оролни сувга тўлдириб бўлмайди. Бу билан болалар бўлмайди, пахта якқаҳокимлигига барҳам бериб бўлмайди... Шундай экан, халқ дардини нифоқ қилиб, бу билан ўзига сиёсий нуфуз орттирмоқчи бўлаётган, ақл-идрок овозига қулоқ тутмаётганларни тўхтатайлик.

Қайта қуришда дастлабки қадамлар қўйилмоқда: деҳқонлар ер олишяпти, болаларга бепул нонушта берилмоқда, янги иш жойлари яратилияпти, пенсия миқдори оширилмоқда, хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Буларнинг ҳаммасига осонлик билан эришилаётгани йўқ. Соғломлаштириш жараёни қийин кечяпти. Чунки беш панжа баравар эмас, баъзи бировлар ўзларнни халқ бахт-саодати учун курашчилар қилиб кўрсатиш мақсадида қайта қуриш ҳақида ҳаммадан қаттиқроқ бақирмоқдалар. Бу сафсатабозлик, бўҳтон, турли миш-мишларга елгонин чинакам ҳақиқатдан ажрата олишга қодир эмасларнинг қатъий қаршн турмаса ким қаршн турадн.

Биз жуда оғир, лекин ажойиб вақтда яшаяпмиз, истиқболнигизни ҳам равшан кўриб турибмиз. Бу давримиз бизнинг бўлажак асарларимиз, суратларимиз, мусиқаларимиз, фильмларимизда албатта ўз ифодасини топади. Янги-янги ишлар, ихтиролар туғилади. Тарих ўзининг бу варағини ҳам варақлаганда биз фахр билан: «Бу бизнинг давримиз ва бу даврни биз яратганмиз!» дея оламиз.

Лекин, бунинг учун биз бугунги кун эртасгаёқ ўша тарихга айланишини ёдда тутишимиз керак. Авлодлар биз тўғримизда ҳудди шу тарихга қараб баҳо берадилар. Бу даврни қандай яшашимиз ўзимизга боғлиқдир. Бу бизнинг виждонимизга, ўз халқимизга чин қалбдан ёрдам беришга тайёр эканлигимизга боғлиқ. Шундай экан, ўзимизнинг тарихий масъулиятимизни ёдда тутайлик.

М. САЛОҲИДДИНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти; **Р. ҒУЛОМОВ**, уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси, СССР халқ депутати; **Х. АЛИМОВА**, республика хотин-қизлар кенгашининг раиси, СССР халқ депутати; **Э. ЮСУПОВ**, Совет маданият фонди республика бўлими правлениесининг раиси, СССР халқ депутати; **Б. ҚОРИЕВА**, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси, СССР халқ депутати; **Э. ВОҲИДОВ**, шоир; **М. ҚАЮМОВ**, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси правлениесининг биринчи секретари; **Т. ҚОДИРОВА**, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Б. ЖАЛОЛОВ**, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Р. САФАРОВ**, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениесининг секретари; **А. ЖАББОРОВ**, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Ш. ХЎЖАЕВ**, Бутуниттифоқ раҳм-шафқат фонди республика бўлимининг раиси; **В. МЕЛЬНИЧУК**, Ўзбекистон ССР байналмилалчи-жангчилар ва запасдаги жангчилар ассоциациясининг раиси; **С. ҚУРБОНОВ**, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари; **Н. МУҲИТДИНОВ**, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси; **Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ**, Тошкент шаҳар маҳаллаларини ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси; **А. АБДУЛЛАЕВ**, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раисининг муовини.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

◆ Сайлов кампанияси якунловчи босқичга қадам қўйди. 18 февралгача саноқли кунлар қолди. Шу куни ҳар бир сайловчи овоз бериш учун ажратилган бинога келиб, участка сайлов комиссияси аъзоларидан сайлов бюллетенларини олади.

◆ Сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7 дан 20 га қадар давом этади.

Ҳозир сайлов кампанияси унча жўн эмас. У қайта қуриш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда ўтмоқда ва республикамиз бутун тарихида энг муҳим сайлов кампанияларидан биридир. Кампаниянинг босқичлари — номзодлар кўрсатиш, уларни муҳокама қилиш, позицияларни қиёслаш, овоз бериш янги ҳуқуқий негизга асосланади.

Ўзбекистон ССРнинг миллионлаб граждалари депутатликка номзодларнинг программаларини муҳокама қилиш чоғида ўткир, муросасиз баҳсларнинг, қизғин мунозараларнинг, фикрлар ва баҳолар тўқнашувларининг бевосита қатнашчилари ёки гувоҳлари бўлдилар.

Ўзбекистон ССР сайлов округларида республика халқ депутатлигига 1127 номзод, маҳаллий Советларга 86635 номзод рўйхатга олинди. кўпгина округларда иккитадан, учтадан ва ундан ҳам кўпроқ даъвогарлар бор.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда республика ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлови бир қунда ўтказилиши муносабати билан сайлов участкасига келган ҳар бир сайловчи қаерда яшашига қараб учтадан тўрттагача сайлов бюллетени: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига доир оқ тусдаги сайлов бюллетени; область Советига сайловга доир яшил тусдаги сайлов бюллетени; район Советига сайловга доир кўк тусдаги сайлов бюллетени; шаҳар, посёлка, қишлоқ Советига сайловга доир оқ тусдаги сайлов бюллетенини олади.

Тошкент шаҳрида, шунингдек, районларга ажратилмаган, областга бўйсунувчи шаҳарларда сайловчилар учтадан бюллетень оладилар. Қолган ҳамма сайловчилар тўрттадан бюллетень оладилар.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришн кўзда тутилган: бошқалар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайловчиларга участка сайлов комиссияси шу сайлов участкаси сайловчилари рўйхатига мувофиқ паспорт ёки бошқа шахсий гувоҳномани кўрсатган тақдирдагина сайлов бюллетенини беради.

Сайлов кучи истиқомат жойда бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўзи истиқомат қиладиган жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодларга нисбатан бир тўхтамга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солиб беркитиб, участка комиссиясига қолдириб кетиши мумкин. Сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчи сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Айрим сайловчилар саломатлигига қараб ёки бошқа сабаблар билан овоз бериш учун ажратилган бинога келолмаган тақдирда, уларнинг илтимосига мувофиқ участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига ана шу сайловчилар турадиган жойда овоз беришни ташкил қилишни топширади.

Бирор сабабга кўра, сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва истиқомат жойини кўрсатувчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

Овоз берувчи киши сайлов бюллетенини яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради, яъни ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириб, ҳар бир бюллетенда фақат бир номзодни қолдириши керак. Бундай талабга риоя қилинмаган тақдирда сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади ва сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ҳисобдан чиқариб юборилади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконияти бўлмаган сайловчи кабинага ёки хонага ўз хоҳиши билан сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа исталган кишини таклиф қилишга ҳақлидир. Агар бюллетендаги депутатликка номзодларнинг барча фамилиялари ўчирилган бўлса, у ҳақиқий топилади ва сайловчи номзодларнинг ҳар бирига қарши овоз берган ҳисобланади. Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда граждалар фамилиялари ёзилган бўлса бундай овозлар ҳисобга олинмайди.

Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш, округда сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини ниқариш чоғида меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишончли вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари иштирок этиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шундай вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжат ёки меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, истиқомат жойидаги сайловчилар қарори билан тасдиқланган бўлиши керак. Сайлов участкасига ўз вакилларини юборши режаларини тегишли сайлов комиссиясига олдиндан хабар қилиб қўйиш зарур.

Юқорида сайлов бюллетенларини тўлдириш намуналари эълон қилинмоқда.

• Намуна

Ўзбекистон ССР халқ депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам народного депутата Узбекской ССР

1990 йил 18 февраль

18 февраля 1990 года

305-Охунбобоев сайлов округи

избирательный округ №

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилияларн ўчиралади.

Фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете, вычеркиваются

~~ОЛИМОВ Шавкат~~	"Ўзбекистон" колхози, бош агрономи, Найман қ.
~~ВОСИКОВА Зулфия Аминовна~~	Олтинкўл қишлоғи, 10-ўрта мактаб директори
ТОИРОВ Абдулҳай Иброҳимович	Охунбобоев номли совхоз бош инженери, Қумлоқ қ.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

Номзодлар дастурлари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловларга икки кун қолди. Биз, мана, қарийб икки ой давомида ҳокимият органларига номзодлари кўрсатилганлар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида ҳикоя қилдиқ.

Бугун яна бир гуруҳ депутатликка номзодлар билан таништирамиз.

⊙ **Зайнаб ТОЖИЕВА — 106-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод.** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг газета босиш цехида 15 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади.

Номзоднинг дастуридан шаҳар транспорт қатнови ишини яхшилаш, хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг фарзандлари учун болалар боғчалари қуришда фаоллик кўрсатиш, озиқ-овқат дастурини, ўз округи муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳисса қўшиш масалалари ўрин олган.

⊙ **Нажмулла ШОМИРЗАЕВ — 198-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод.** Тошкент Давлат медицина институтининг ректори.

— Матбуотда бир неча марта 430 та маъмурий бинони Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ихтиёрига топшириш ва уларни даволаш-профилактика мақсадларида фойдаланиш ҳақида фикр юритилди, — дейди у. Бироқ бу гаплар қоғозда қолиб кетаяпти. Бу масалани тегишли идоралар олдига қўймоқчиман. Ҳозирги кун тақозоси аёлларнинг иш кунини анча қисқартириш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, ойлик ва иш ҳақи — нафақаларини сақлаб қолиш билан бир вақтда кўзи ёриш учун бериладиган муддатларни узайтиришни тақозо этади. Бу ижтимоий муаммо жумҳуриятимиз Олий Совети томонидан алоҳида эътибор ҳамда уларнинг амалга оширилиши учун доимий назорат бўлишини талаб қилади.

⊙ **Равноқ КАРИМОВ — 64-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод.** 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. «Ташсельмаш» заводининг слесарлигидан Ўрта Осиё рангли металлар лойиҳалаш ва илмий-текшириш институтининг лабораторияси мудири даражасига кўтарилган. Агар у депутатликка сайланса атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йўлида астойдил кураш олиб боради. Ҳукуматимизнинг шаҳримиз ва унинг чеккаларида боғ-роғлар бунёд этишдек хайрли ишини амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшмоқ ниятида. Кўча ва маҳаллалар тозалиги ва ораста-лигини таъминлашдек умумхалқ ҳашарларини ташкил этмоқчи. Транспорт муаммосини ҳал этиш, чайқовчиликка барҳам беришдек муҳим тадбирларда ҳам бажонидил қатнашишга жазм этган.

⊙ **Ренат РАҲМОНҚУЛОВ — 36-Чуқурсой округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод.** «Ташавтоматика» заводида йиғувчи-слесарь бўлиб ишлаган. Совет Армияси сафидан қайтгач, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тугатган. Ҳозир «Шумилов» темир йўл станцияси бошлиғи.

— Яқинда коллективимизга хўжалик йўли билан уй-жой қуриш учун 196 минг сўмлик маблағ ажратиб бердик. Сменада ишлаётган ишчи-хизматчиларимизни бепул овқатлантириш ҳам йўлга қўйилди, — дейди номзод. — Бунинг учун ҳар ойда 3 минг сўмлик маблағ сарфланмоқда. Бундай янгилик пенсия тақсимотида ҳам қўлланиляпти. Коллективимизда ишлаб, кўп йиллик куч-қувватни ишга сарф қилган темирйўлчилар пенсияга чиққач, ўз ҳолига ташлаб қўйилмаяпти. Уларга маълум миқдорда ёрдам бераяпмиз.

Ҳаракат дастуримизда темирйўлчиларнинг шароитини янада яхшилаш ва иш унумини ошириш билан биргаликда шаҳримизнинг экологик вазиятини сақлаб қолишдек муҳим бандлар ўрин олган. Агар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлансам асосий эътиборни меҳнат аҳлининг фаровон яшашига қаратаман.

⊙ **Қобилжон ТОШПЎЛАТОВ — 31-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод.** 1948 йилда Тошкентда туғилган. Тошкент аэропорти бошлиғининг смена бўйича ўринбосари.

«Дастурингиз нималарни кўзда тутади», деган саволга у:

— Шаҳримизда 308 маҳалла бўлиб, уларда бир миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дея жавоб берди. — Бу маҳаллаларнинг 31 тасида аҳвол ниҳоятда аянчли. Шунинг учун ҳам мазкур маҳаллаларда бажарилиши лозим бўлган ишлар: газлаштириш, канализация қувурларини ўтказиш, водопровод сув босимларини ошириш, электр энергияси таъминотини яхшилаш, хонадонларни телефонлаштириш, кўчалар ва савдо шохобчаларини жиҳозлаш кабилардир. Мазкур муаммоларни фақат қоғоздагина ҳал этмай, балки амалда рўёбга чиқаришга имкон даражасида ҳаракат қиламан. Иккинчидан, шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлашни яхшилашга киришаман.

Айниқса, кейинги пайтда қурилаётган бинолар-да иқлим шароити инобатга олинмаётир. Бу борада қилиниши лозим бўлган биринчи иш архитекторларимиздан иқлим ва замон талабларига жавоб бера оладиган бинолар лойиҳасини талаб этишдан иборат деб ўйлайман.

⊙ **Ўктам ПРАТОВ — 20-Яланғоч сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод.** Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг директори, биология фанлари доктори.

Номзоднинг дастури ҳам диққатга сазовор.

— Мен Ўзбекистонда ботаника фани соҳасида олиб борилаётган изланишларни замон талабига жавоб бера оладиган поғонага кўтариш учун ҳаракат қиламан. Орзуимдан яна бири — институт қошида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб «Ботаника музейи»ни барпо этиш. Яна бир муҳим вазифа — Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда табиий ҳолда учрайдиган ўсимликларни ўрганиб чиқиб улардан инсон саломатлиги йўлида фойдаланиш. Шунингдек, табиат муҳофазаси, озиқ-овқат программаси ва транспорт муаммоларини ҳал этиш масалалари ҳам ҳамиша диққат марказимда туради.

⊙ **Эгамберди МУСАЕВ — 122-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод.** Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бўлим мудири. 1944 йилда туғилган.

Унинг дастурига қуйидагилар киради:

Шаҳар ҳавосининг мусаффолиги учун кураш олиб бориш, аҳолининг маданий савиясини ошириш, жумладан телекўрсатувлар мазмундорлигига эришиш, шаҳар театрлари репертуарларини мазмундор спектакллар билан бойитиш эвазига аҳолининг театр билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборат.





⊙ ЯНГИ МАВЗЕ БУНЁДКОРЛАРИ. Ж. Обидова мавзесида қад кўтарган турар жой биноси. 3-уйсозлик комбинатининг 1-қурилиш конвейерлари бошқармасининг бригада бошлиғи Иван Андреев, электр пайвандчи Турғун Абдуназаров ва бетончи Муҳиддин Исоқов. Х. Мирзакаримов суратлари.

Мулоҳаза, муҳокама, мунозара

МАЪНОЛИ НОМ — МАЪНАВИЙ ҚИЁФА

⊙ **Маълумки, ҳозирги кунда бутун мамлакат бўйлаб янгиланиш жараёни юз бермоқда. Бу жараён кўплаб муҳим, тарихий воқеаларга бой бўлаётганлиги билан ҳар биримизнинг эътиборимизни жалб қилмоқда. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида қабул қилинган Қонуни халқимиз ҳаётида, шууримизда жуда катта ижобий из қолдирди.**

Мухбиримиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар Атамалар комиссиясининг раиси Қудратилла Мирсоатович РАФИҚОВ билан учрашиб, Қонунда кўрсатилган жой номлари хусусидаги банд шаҳримизда қай тарзда амалга оширилаётганлиги ҳақидаги саволларга жавоб қайтаришини илтимос қилди.

— Қудратилла Мирсоатович, шаҳримиздаги кўча, жой номларига муносабат билдириб ёзилган мактубларни кўплаб олмоқдамиз. Шаҳримиз аҳолиси ўз мактубларида шаҳар ижроия комитетида Атамалар комиссияси тузилганлигидан, ушбу комиссия олиб бораётган ишлардан беҳад мамнун эканликларини ёзмоқдалар. Шу билан бирга аксарият мактуб муаллифлари ўзлари яшаётган маҳалла, мавзе, кўча номларидан қониқмаётганликларини баён қилганлар. Шу муносабат билан шаҳар Атамалар комиссиясининг фаолияти, келгусидаги иш режалари, ҳеч бир маъносиз қўйиб юборилган кўча, жой номларининг эртанги тақдири ҳақида муштарийларимизга гапириб берсангиз.

— Юқорида сиз айтиб ўтган мавзулардаги хатлар бизнинг комиссиямизга ҳам кўплаб келмоқда. Биргина шу йил январь ойида 100 дан ортиқ мактуб олдик. Муаллифларнинг кўпчилиги шаҳримиздаги айрим кўчалар, мавзеларга қўйилган номлар ҳеч бир маънога эга эмаслигини таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, шундай кўчалар мавжуд. Биз номаълум сабаблар билан ўйламай қўйиб ташланган номларни кейинги олти ой мобайнида ўрганиб чиқдик. Рўйхатлар туздик, архивларда сақланаётган мавжуд маълумотлар билан танишдик. Ҳозирча Тошкентга ҳеч алоқаси бўлмаган, кейинги 30—40 йил ичида палапартиш қўйиб юборилган 300 га яқин кўча, мавзелар номларининг рўйхатини туздик. Яқинда бўлиб ўтган Атамалар комиссияси йиғинида комиссиямиз аъзолари билан ушбу рўйхат хусусида аниқ тўхтамга келдик. Бу рўйхатдаги номларни тарихий, мазмундор ва жарангли, халқ талабига мос келадиган, Тошкент ҳаётига оид номлар билан ўзгартиришни Атамалар комиссияси аъзолари бир овоздан маъқуладилар.

— Сиз юқорида биргина рўйхатни тузиб чиқиш учун олти ойдан ортиқ вақт кетганлигини айтингиз. Ахир шаҳримизга алоқаси бўлмаган бундай номлар «ялт» этиб кўзга кўриниб турибди-ку!

— Халқимизда «Етти ўлчаб, бир кес», деган нақл бор. Шу вақтгача пухта ўйламай, шошилиб қилинган ишлар, қўйилган номлар даврлар синовига дош бера олмаётганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Гувоҳ бўлибгина қолмай, охир-оқибатдаги оғирликларини ҳам елкамизда кўтармоқдамиз. Сиз «Шаҳримизга алоқаси бўлмаган номлар» деяпсиз. Кўпчилик мактубларда ҳам, бизга мурожаат қилаётган одамларнинг сўзларида ҳам шу иборани учратиш мумкин. «Тюмень», София каби атамаларнинг Тошкентга нима алоқаси бор?» — деб сўрайди одамлар. Сиртдан олиб қараганда ёки юзаки ёндошилганда алоқаси йўқдек туюлади. Аммо чуқурроқ ўрганилса, ўша алоқасизлар ҳам у ёки бу маънода ўз тарихига, аҳамиятга эга. Масалан, София кўчасини олайлик. Сиртдан қараганда Болгария пойтахтининг номи Тошкент учун алоқаси йўқдек. Аммо яқин ўтмишга назар солсак, аксинча бўлиб чиқади. Бу ном 1966 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган Болгария маданияти ўн кунлиги ҳамда совет-болгар халқлари дўстлиги шарафига қўйилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Сизнинг бу жавобингиз мени анча ҳушёр торттирди. Негаки, шу вақтгача ном ўзгартириш ишлари мен учун анча осон ва оддий туюлар эди. Ваҳоланки, бу соҳа жуда катта масъулият талаб қилар экан. Имкони бўлса, бу масъулият кимларнинг елкасида, яъни Атамалар комиссияси аъзолари билан оқшомхонларни ҳам таништирсангиз.

— Ҳа, албатта биз олиб бораётган ишимиз фақат бугунги авлод учун эмас, балки келгуси авлодлар талабига ҳам жавоб бера олмоғи керак. Шу боисдан ҳам халқимиз, агар таъбир жоиз бўлса, ўз вакилларини, яъни халқ номидан иш олиб бораётган одамлар кимлигини билиши лозим. Комиссиямиз аъзолари халқимизга жуда яхши таниш бўлган олим, қалам аҳли ва шаҳримизнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ вазифаларни бажараётган масъул кишилардир. СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Шавкат Ўразаев, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Озод Шарафиддинов, уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Собир Охунжонов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Иристой Кўчқортоев, Т. Н. Қориниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, Тошкент шаҳар маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, профессор Қодир Фозилхўжаев, филология фанлари номзоди, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Муҳсин Зокиров, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Иван Зимовец, шаҳар бош мусаввири Рафаэл Юсупов, шаҳарни ташқи безатиш бўлими бошлиғи Мирхон Орипов, «Тошкент оқшоми» газетаси муҳаррирининг ўринбосари Солиҳ Ёқубов ва яна шаҳримиздаги бир неча масъул ўртоқлар шулар жумласидандир. Шунингдек, биз комиссияга янги аъзолар таклиф қилганмиз.

— Сиз юқорида аҳолидан кўплаб мактублар келаётганлигини айтиб ўтдингиз. Уларнинг мазмуни билан оқшомхонларни таништириш мумкинми?

— Албатта мумкин. Мана бу мактублар турли касбдаги одамлар, турли ташкилотлардан келган бўлса-да, уларнинг мазмуни бир хил. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти-дан, С. Раҳимов райони маҳаллалари кенгашидан, С. Раҳимов районидаги «Пахта», «Новза», Титов, А. Хўжаев, «Янгиобод» маҳаллалари аҳлидан ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ижодий ходимларидан олинган бу хатларда Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғини ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий номи билан аталиши сўралган. Мана бу мактубларда эса «Инқилоб хиёбони»га олиб келадиган кўчалар номи: Пушкин, Энгельс, К. Маркс, Ленинград, Пролетар ва улар билан боғланган Гоголь, Ленин, Куйбишев кўчалари, шоссе ва проспектлари қайд этилган. Улар мисолида шаҳримизнинг асосий кўчаларида ўзбек халқи давлат арбоблари, намояндаларининг номлари учрамаслиги ҳақида жиддий эътирозлар билдирилган. Худди шундай фикр яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида ҳам айтилди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, шаҳримиз кўчаларидаги атамаларнинг эртанги куни жумҳуриятимизнинг энг юқори органларини ҳам қизиқтирмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ҳам назорат қилинмоқда. Биз ҳозирча комиссия ташаббуси билан Куйбишев кўчасини биринчи ўзбек президенти Йўлдош Охунбобоев номи билан аташга муваффақ бўла олдик. Ўйлайманки, юқорида қайд этилган ўринли эътирозларнинг ижобий ҳал этилишида шаҳримиз аҳолиси бизга яқиндан ёрдам беради ва тарихда, совет даврида халқ эътиборига тушган ажойиб кишиларимиз номларини шаҳримизнинг марказий кўчаларига тавсия қиладилар.

Шаҳримиз марказий кўчалари бўйича ягона тўхтамга келишимиз учун ҳамда Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг Абдулла Қодирий деб аталиши ҳақидаги таклифларга оқшомхонлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар деб умид қиламиз.

— Яна Атамалар комиссияси томонидан тузилган рўйхат ҳақида. Мен негадир бу рўйхатда Сергели — 1, Сергели — 2, Қўйлиқ — 1, Қўйлиқ — 3 каби аввал мавзе номи, сўнгра рақам қўйилган жой номларини кўрмаяпман.

— Тўғри айтдингиз. Биз тузган рўйхатда ҳам ном, ҳам рақамлар биргаликда ифодаланган мавзелар йўқ. («Ташавтомаш»ни ҳисобга олмаганда.) Бунинг ўз сабаби бор. Ҳозир шаҳримизда юзга яқин шундай мавзелар мавжуд. Бу эса юзга яқин турли ном дегани. Агар биз Сергели, Юнусобод, Чилонзордаги ҳар бир мавзе учун алоҳида ва янги ном берсак, бу шаҳримиз аҳолиси, меҳмонлари, социал, маиший тармоқлар учун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Биргина Чилонзорда 31 та квартал мавжуд, эндиликда 1, 2,... 20-квартал деб ўтирмай, Чилонзор даҳаси, 1-мавзе шаклида номланади. Сергели, Юнусобод мавзелари ҳақида ҳам шундай тўхтамга келинди.

— Ўйлаймизки, комиссиянинг бу қарори ҳамшаҳарларимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

— Бизнингча ҳам шундай. Жой номлари қисқа, маъноли, эслаб қолиш учун осон бўлиши ҳаммамиз учун ҳам яхши. Очиғини айтишим керакки, бу номлар хусусида Атамалар комиссияси мажлисида жуда катта тортишув ва мунозаралар бўлиб ўтди ва биз ҳамшаҳарларимиз билан маслаҳатлашиш ниятида ушбу рўйхатни халқ ҳукмига ҳавола этарканмиз, бизнинг тарихчи, ёзувчи, ўтмишни яхши биладиган қариялариимизнинг умидимиз катта, чунки ҳар бир кўчанинг эски — тарихий номини тиклаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Суҳбатни
С. МУРОДОВ ёзиб олди.

Сиз бунга нима дейсиз?

⊙ **Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Атамалар комиссиясининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қуйидаги кўчалар ва мавзелар номи қайта номланиши шарт деб топилди. Бу масаланинг шаҳар аҳолиси билан бамаслаҳат амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланиб, «Оқшом» саҳифасида эълон қилинмоқда. Биз ҳамшаҳарларимиздан комиссия аъзолари назаридан четда қолган шундай номлар бўлса, маҳалла аҳли йиғилишида кўриб чиқиб, бизга тавсияномалар беришларини илтимос қиламиз. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 6-уй, шаҳар Атамалар комиссияси.**

Номларини ўзгартириш мумкин ҳисобланган кўчалар рўйхати

Кўчанинг номи	Эслатма ва қўшимчалар
ЛЕНИН РАЙОНИ	
⊙ Армовирская	2 та тор кўчаси билан
⊙ Весна	1 та тор, 1 та берк кўчаси билан).
⊙ Железнодорожная	1 та берк кўчаси билан
⊙ Зеленая	
⊙ Ипподромная	1, 2, 3 тор кўча, 1, 2-переулок билан
⊙ Калиновий	берк кўча
⊙ Клубничний	берк кўча
⊙ Краснофлотская	
⊙ Криворожская	1 та тор кўчаси билан
⊙ Локомотивная	
⊙ Малогоспитальная	3 та берк, 2 та тор кўчаси билан
⊙ Народная	2 та тор кўчаси билан
⊙ Новий путь	3 та берк кўчаси билан
⊙ Оборонная	2 та тор кўчаси билан
⊙ Риночний	3 та берк кўчаси билан
⊙ Самолетная	берк кўча
⊙ Светлая	
⊙ Электротехническая	тор кўчаси билан
⊙ Ягодний	1 та тор кўчаси билан
⊙ Автобусная	берк кўча
⊙ Пилотов	
⊙ Теннистая	
⊙ Транспортная	

(Давоми бор).

⊙ ЭСЛАТМА: тор кўча — проезд, берк кўча—тупик.

Шарҳчи сатрлари

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ

Иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш учун имкониятларни яратиш жаҳондаги турли мамлакатларнинг энг яхши тажрибаларини изчиллик билан ўрганишни ҳамда ўз хусусиятларимизни ҳисобга олиб жорий этишни тақозо этади. Айни вақтда асосий кўрсаткичлари бўйича биздан юқори турган мамлакатлардангина эмас, нисбатан ҳам иқтисодий потенциалга эга бўлишга қарамай сўнгги йилларда иқтисодий ривожланишда сезиларли натижаларга эришган мамлакатлардан ҳам ўрганиш лозим. Ана шундай мамлакатлар қаторига Жанубий Кореяни қўшиш мумкин. Жанубий Корея ер юзидаги изчил ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Дастлабки ана шу мамлакат ҳақида қисқача маълумот: Корея Республикаси 1948 йил 15 августда эълон қилинган. Мамлакат аҳолиси 42 миллион кишидан зиёд. Жанубий Корея «янги индустриал мамлакат» деб аталмиш мамлакатлар ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сўнгги 20 йил мобайнида иқтисодий юксалишнинг йиллик суръатлари қарийб 8 фоизни, 1988 йилда эса 12 фоиздан ҳам зиёдроқни ташкил этди.

Жанубий Корея кемасозлик саноатининг йирик маркази ҳисобланади, пўлат, тўқимачилик маҳсулотлари, қийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқариш соҳасида танилган. Электроника маҳсулотларининг экспорт ҳажми бўйича олтинчи, маиший электроника буюмларини четга чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда у автомобилсозлик саноати ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Жанубий Корея ташқил топаётган даврда аграр мамлакат бўлиб, бу соҳада капитализмга қадар бўлган муносабатлар ҳукм сурар эди. Мамлакатнинг саноатини асосан нон қазиш ва озиқ-овқат соҳалари ташкил этарди. Жанубий Корея саноати ривожланган мамлакатлардан шу қадар орқада эдики, унинг ўз халқининг турмуш даражасини озми-кўпми таъминлай олишини тасаввур этиб ҳам бўлмас эди, ундан ўзиб кетган мамлакатларга етиб олиши ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз.

40—50-йиллар ўртасида аграр ислоҳот амалга оширилди, бунинг натижасида йирик ер эгаларининг ўрнига фермерлар келишди. Қишлоқ хўжалигининг капиталистик изга ўтказилиши натижасида астасекин капитал вужудга кела бошлади, кейинчалик ана шу капитал мамлакатни индустриалаштиришга сарфланди. Давлат сиёсати ҳам маълум даражада саноатнинг имтиёзли ривожланишига хизмат қилди. Давлат деҳқонлардан маҳсулотларни бозор нархидан арзон нархларда харид қилиб, шаҳардаги ишчи кучининг арзон бўлишини таъминлар эди, чунки иш ҳақи маълум даражада ҳаёт минимуми билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон нархлари экономиканинг аграр соҳасидан капиталнинг индустриал соҳага ўтишига олиб келди.

Қўшма Штатлар ана шу даврда Жанубий Кореяга молиявий ёрдам бериш билан чекланганлари йўқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон нархлари сиёсати Жанубий Кореяда ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмай қолмади. Ички озиқ-овқат ресурсларининг етишмовчилиги уларни АҚШдан импортга йўналтирилишини таъминлаш имконини берди. Шуни қайд этиш керакки, четдан олинган қарзлардан ишнинг кўзини билиб, самарали фойдаланилди, ўз молия манбаларининг вужудга нела бориши билан четдан олинадиган қарзлар улуши камайиб борди.

Жанубий Корея иқтисодиётни текис ривожланиб борганги йўқ. Маълум даврларда қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам бўлди. Масалан, 80-йилларнинг бошларида мамлакат қатор қийинчиликларга дуч келди. 1980 йилда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш бош фонзга камайди. Иқтисодий ривожланиш суръатларининг пасайиши шундан кейинги 2 йил мобайнида ҳам кузатилди. Бунинг сабабларидан бири 70-йилларнинг охирида экономиканинг ривожлантиришга сарфланди. Капиталнинг жамланиши ва марказлашувини чегараловчи чора-тадбирлар амалга оширилди, йирик фирмаларга қараганда қатор имтиёзларга эга бўлган майда ва ўртача фирмаларнинг ташкил этилиши рағбатлантириб борилди.

Бунинг натижасида майда ва ўртача фирмаларнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 1980 йилдаги 28 фоиздан 1987 йилга келиб 40 фоизгача кўпайди.

Мамлакатнинг ривожланишига АҚШдан ташқари Япония ҳам катта таъсир ўтказди. Жанубий Кореяда Кунчиқар мамлакатнинг урушдан кейинги иқтисодий ривожланиш тажрибаси, саноат корхоналарини бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш усулларини ўрганилиб жорий этилди. Японлардан ибрат олиб бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули жорий этилган, сифат тўғараклари ташкил этилмоқда, меҳнаткашларнинг фаоллиги рағбатлантирилмоқда, ишчилар ва корхона эгаларининг манфаатлари бирлиги, қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилинаётган қарорларни амалга оширишга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Жанубий Корея мўъжизаси ҳақида гапирар эканмиз, бундай гурунраб ривожланишни таъминлаган бошқа омиллар ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади. Маҳаллий аҳолининг интизомлилиги, меҳнатсеварлиги, ўз касб савиясини оширишга интилиши шулар жумласидандир. Юксак даражада эксплуатация ҳам шу қаторга киради. Расмий маълумотларга кўра 70-йилларда саноатда иш ҳафтасининг давомийлиги 50 соатни ташкил этарди. Иш ҳафтасининг ҳақиқий давомийлиги бундан ҳам кўп бўлган. Айни вақтда иш ҳақи бошқа мамлакатларга нисбатан анчагина кам. Масалан, Жанубий кореялик ишчининг маоши 70-йилларда АҚШ ишчисининг маошидан 8—10 баравар кам эди.

Яқин вақтларга қадар иш ташлашлар ман этилган, касаба союзларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада чекланган эди, Аммо бу узоқ давом этиши мумкин эмасди. Студентларнинг фаол даражада фаоллиги, 1987—1988 йилларда иш ташлашлар тўлқини ҳукуматни қатор демократик ислоҳотларга, меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилашга мажбур қилди. Кафолат берилган иш ҳақи минимуми жорий этилди, иш ташлашларнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилмоқда. Шунга қарамай Жанубий Кореяда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқ катталигича қолмоқда.

Бугунги кунда Жанубий Корея ишлаб чиқарган молларни жаҳоннинг ҳар бир мамлакатида учратиш мумкин. Арзонлиги, юқори сифати ана шу молларга кенг йўл очиб берди. Жанубий Корея фирмаларни қўшма корхоналарни ташкил этиш йўли билан бошқа мамлакатларнинг бозорларига жадал кириб бораяпти. Шу нарсани қувонч билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда бизнинг Жанубий Корея билан савдо-иқтисодий муносабатларимиз сезиларли даражада яхшиланди. Жумладан, 1989 йилда Жанубий Кореянинг СССРга экспорти 1988 йилга нисбатан тўрт баравардан зиёд кўпайиб, 150 миллион долардан ошиб кетди. Ўз навбатида Жанубий Кореянинг Совет Иттифоқидан импорти 125 фоиздан зиёдга ўсиб, қарийб 400 миллион долларни ташкил этди. Жанубий Корея иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлигини изҳор қилмоқда. Амалий алоқаларни кенгайтириш, ана шу мамлакатдаги жамики илғор нарсаларни ўрганиш ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб жорий этиш бизга кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини жадаллаштириш имконини беради.

Н. ЮСУПОВ.

Акс садо

«ФАРЗАНД КАСРИ УРМАЙДИМИ?»

«Тошкент оқшоми», 1990 йил, 6 январь

✦ Мен газетада юқоридаги сарлавҳа остидаги мақолани ўқиб, ота меҳрига зор, кемтик қалбли болаларнинг қисматидан беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Айниқса, гўдакларнинг: «Адам келдилар!», «Адажоним келдилар!» дейишлари, уларнинг энтикиб-энтикиб, «Мени олиб кетасиз-а», «Бошқа ташлаб кетмайсиз-а», деб кўзларига ёш томчилари қалқиб чиқа бошлаганлигини чуқур ҳис этиб, ушбу мактубни ёзишга жазм этдим.

Давлатимиз етимлар қисматини енгиллаштириш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Уларга билим бериб, ҳаётда ўз ўринларини топишга яқиндан оталарча ғамхўрлик кўрсатаяпти. Бунинг учун мингдан-минг раҳмат! Бироқ, мазали таомлар, оппоқ чойшаблар, сон-саноқсиз ўйинчоқлар ҳеч қачон ота ёки она меҳрининг ўрнини боса оладими? Йўқ, албатта!

Оилада беш жонмиз. Мен 17 йилдан бери район маданият бўлимида ишлайман. 3 нафар ўғлим бор. Тўнғичи Давлатжон Калинин номли мактабнинг 5-синфида ўқийди. Эргашали 6 ёшда, Шавкатжон 2 ёшда, болалар боғчасида тарбияланишмоқда. Бизда юқоридаги шаҳар болалар уйидан битта қизалоқни фарзандликка олиш истаги туғилди.

К. ОХУНОВ,
Фарғона вилояти, Бешариқ шаҳри.

✦ Ўтмишда очлик, касалликлар ҳукмрон йиллари ҳам камдан-кам она ўз жигаргўшасини ташлаб кетган экан. Бугун-чи? Шундай гулгун ҳаётимизда ҳамма нарса етарли бўлса-да, болалар уйлари тирик етимлар билан тўлмоқда. Туғруқхоналарда она деган мўътабар номга иснод келтириб, бир парча қоғозга: «Боламни боқолмайман», дея ёзув қолдириб, ўзи ғойиб бўлаётган аёлларга нафратингиз ошмайдими!

Хўш, нима қилиш керак? Менимча, аввало бундай инсонларнинг қилмишидан ота-онаси, қариндошларини огоҳ қилиш зарур. Улар ўқиш, иш жойи ёки маҳаллада, кўпчилик ўртасида изза қилинишлари лозим.

Баъзан телевизор орқали етим болаларни кўрсатишади-ю, уларнинг ота-онаси ким эканлиги айтилмайди. Фарзандини ташлаб кетаётган жувон билан суҳбат уюштириб, негадир юзи яширилади. Ҳозирги ошкоралик даврида уларнинг ҳақиқий башарасини халққа кўрсатиб, шарманда қилиш керак. Ана шундагина биз мурғак гўдакларнинг она меҳридан жудо бўлишларини камайтирган бўламиз.

«Фарзанд касри урмайдими?» мақоласини ўқиб, шулар ҳақида ўйладим. Бўлажак педиатрман. Шунинг учун болалар ҳаёти, уларнинг келажаги мени кўпроқ қизиқтиради. **И. ОМОНОВ,**
Ўрта Осиё болалар табобат институтининг талабаси.

Ҳунари гўзаллар

Дунёда шундай бир қўшиқ борки, уни Ер юзидаги барча оналар оҳангга солиб айтишади.

Одам боласи ҳаётга келиб биринчи эшитадиган бу қўшиқ — Онажонлар бешик ёнида куйлайдиган «Алла!» Бу, эзгуликда жуда дилбар қўшиқ:

Алла айтсам овунгин,
Оппоқ қўзим, алла.
Бешигингда қувонгин,
Жоним болам, алла.
Алла-алла элаклим,
Ботир, қоплон билаклим,
Яхши-ёмон кунимда
Қўзим, менга кераклим,
Аллаё, алла.
Қиқир-қиқир юрганда
Тикон сенга урмасин.
Кўзи холли инсоннинг
Кўзи сенга тегмасин,
Алла, жоним, аллаё.



ОНАЖОНЛАР БЕШИК ТЕБРАТСИН

ЧАҚАЛОҚ ўз тахтиравони — бешикда гувраб-гувраб ётаркан, она сути қувватидан, «алла» оҳангининг лаззатидан оромга кетганини сезмай қолади.

Онажонлар бешик тебратганда гўё олам сукутга чўмади, бола роҳат олади, аъзои тани салоҳият топади. Илгарилари буви-аяжонларимиз келинларига: «Ҳай, барака топгур, болангизни бешикка беланг, ўзингиз ҳам, чақалоғингиз ҳам ором олади», деб даъват этишарди.

Чиндан ҳам бешик чақалоқ учун оромбахш ўрин бўлган. Шу билан бирга, бешик Шарқ халқлари анъанавий амалий санъатининг ғоят гўзал, муҳандислик жиҳатлари мукаммал ўйланган мослама-қурилмаси ҳисобланади. Уни қўли гул моҳир дурадгор-усталар ясашади.

Қарангки, бешик шакл-шамойили билан ҳаётнинг бошланишини эслатади. Уни кўрганда дунёга янги келган меҳмон — чақалоқ беихтиёр кўз ўнгимизда жонланади.

Усталар бешик ясаш усулини шундай ҳикоя қилишади:

— Бола ётадиган бешик (беланчак ҳам) мустаҳкам ва турли майда ҳашаротлар кушандалигидан ҳоли бўлиши учун тол ва тут дарахтларининг ёғочидан тайёрланади. Бешикнинг узунлиги бир-бир ярим метр, эни билан баландлиги эса ярим метр бўлади. У тўрттадан саккизта устбози ва тагбози билан ўралади. Буни гирдбози ҳам дейилади. Такбозилар устига бола ётиши учун юпқа тахтачалар қоқилади. Бешикнинг икки томонидаги ярим доира шаклли оёқларига қосқон қўйилиб, унга даста бириктирилади. Дастанинг икки томонига қуббалар ясалади. Яна энг муҳими, чақалоқнинг бош ва оёқлари муҳофазаси учун қосқонлар ичига бошлоғи билан бағалак чўплар ўрнатилади, сумак тайёрланади.

Усталар бешик ёғочларига турли нақшлар ўйиб, турфа бўёқ-ранглар билан атлассимон жило беришади. Бола уйғонганда жажжи қўллари билан ўйнаб ётиши учун бешик «кўпфиги»га ҳалқачалар ясаб қўйишади. Ана шу жойга бола оғзига етадиган қилиб сўргични осиб қўйса ҳам бўлади.

Диёримизда ўсадиган тол ва ғоят мустаҳкам тут дарахтининг ёғочини йўниш, силлиқлаш, юпқа ҳолга келтириб ёйсимон эгиш, нақш ўйиш, сим-мих ишлатмай бешик бўлакларини бир-бирига пайванд этиш, ўчиб кетмайдиган бўёқ билан ранг-жило бериш осон эмас. Мана шу маҳоратлари учун ҳам амалий санъат усталари меҳнатига таҳсин ўқиш керак.

Усталар қўлидан чиққан нақшин бешикни уйда буви-аяжонлар, онахон-холажонлар, келин-кеватлар ясатишади. Бешикка тувак ва сумак қўйилади. Тариқ пўчоғи — қавус тушакча, кўрпача, қорин кўрпача, қўлбоғ, бош ва оёқ томонга иккита ёстиқча, бешик устига говрапўш тикилади. Буларнинг ҳаммаси духоба, шойи, сейлон, беқасам, чит-сатин ва бошқа яхши матолардан, момиқ пахталардан тайёрланади.

Аслида бешик — чақалоқнинг сокин оромгоҳи. Табобат бобокалони Абу Али ибн Сино чақалоқ тарбияси ҳақида бундай деб ёзади: «Бола ухлатиладиган уй соя ва қоронғироқ бўлмоғи керакки, у уйга қуёшнинг кучли нури тушмасин... Бири, болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган аллалашдир». («Тиб қонунлари», 1-том).

Онажонларнинг бешик тебратиб, алла айтишлари бола камолотнинг комил омили эканини инкор этиб бўлмайди. Ўзбекистон Педиатрия илмий-текшириш институти клиник касалхонасининг бош шифокори Шуҳрат Турсунов болаларни бешикда парваришлаш тўғрисида шундай фикрни зикр этди:


— Ҳозирги кунда бешикнинг фойдали жиҳатлари бир қатор шифокорлар томонидан ўрганилаяпти. Лекин олдиндан яна шуни айтиш мумкинки, чақалоқни бешикка белаш бола саломатлиги ва озодалиги учун яхши. Зеро, бешик ичида сокинлик, ўзига хос қоронғулик, санитария нуқтаи назаридан бадрафи (ҳожат жойи) борлиги, чанг-губордан муҳофазалиги қулай ҳисобланади. Менинг фикримча, болани бешикда тарбиялаш анъанаси ҳеч қачон йўқолмайди.

Дарҳақиқат, неча асрлар давомида бешик Шарқ халқлари фарзандлари учун гўша-ю оромгоҳ бўлгани сир эмас. Тарихий маълумотларга кўра, бешик қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ, қозоқ, озарбайжон, афғон, эрон, яҳудий, грузин, ҳинд ва бошқа Шарқ халқлари турмушида қўлланиб келинган. Буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрда яратган «Девони луғатит-турк» асарида «бешик» сўзи учрайдики, бу ҳам унинг жуда қадимийлигидан шоҳидлик беради.

Онажонлар бешик тебратишар экан, ҳаёт жўшқин давом этаверади, алла оҳанглари янграйверади, халқ амалий санъати ҳам гуллаб-яшнаб, мукаммаллик топиб бораверади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.









ҲАЁТ БЕШИГИ ҚУШИҒИ. Она-Ер кафтида ўсган тут дарахтидан моҳир усталар ҳаёт бешигини ясайдилар. Гулдек қўллар, нурли кўзлар чақалоқларнинг тахтиравонига жилва-ю жило беради. Мана шу гўзал ҳунарда инсонга муҳаббат мужассам топган. Зеро, оналар фарзандлари қалбига бешик олдида «Алла» қўшиғи билан меҳр ҳиссини жо-бажо этадилар.

Тўлқин Каримов суратлари.

Маданият хабарлари

Бўш шиша идишлар

УЛАР САНОАТГА ҲАМ, САВДОГА ҲАМ ЖУДА ЗАРУР

«Оқшом» саҳифаларида бўш шиша идишларни қабул қиладиган пунктларнинг макони эълон қилинганидан сўнг редакцияга жуда кўп хатлар келди. Уларнинг муаллифлари бўш шиша идишларни топшираман деб қандай сарсон-саргардон бўлганликларини баён этишган. Газетхонлар бўш шиша идишлар савдога, табиийки саноатга зарурми ёки йўқми, деб масалани кўндаланг қўйишади. Агар керак бўлса, нима учун ҳамон қабул пунктларда катта қийинчиликларга дуч келяпмиз, деб сўрашади. Ушбу саволлар билан биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи Ғ. Ҳ. Мансуровга мурожаат қилдик.

— Бу саволларга ўзгача жавоб бўлиши мумкин эмас: шиша идишлар жуда зарур. Бу ҳаётий муҳим масала. Чунки, харидорлар маҳсулотларнинг сотиб олишар экан, ўз пул бюджетларининг маълум бир қисмини гаровга қўйишади. Шиша идишларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Куни кеча республика Давлат план комитетида озиқ-овқат саноати учун янги шиша идишларнинг ресурслари ҳақидаги масала муҳокама қилинаётганда, бу йил уларни етказиб бериш билан боғлиқ аҳвол оғир эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун биз шаҳар аҳолисидан бўш шиша идишларни ўз вақтида топширинг, деб ўтиниб сўраймиз.

— Сизнинг бу даъватингиз ерда қолмайди, деб умид қиламиз. Аммо тошкентликлар қабул пунктларида яна қўпollикка дуч келишмасмикин, яшчиклар етишмаяпти, уларни қўйишга жой, тўлашга пул йўқ, деб рад жавобини беришмасмикин!

— Чиндан ҳам айрим ношуд ходимларимизнинг хатти-ҳаракатларини оқлаш маъносида эмас, холисона қабул пунктларимиздаги шарт-шароитларни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Ҳозир Тошкентда 178 та қабул пунктлари бор. Идишлар асосан ана шу мақсадлар учун мослаштирилмаган хоналарда қабул қилинади. Уларда қишда совуқ, ёзда эса иссиққа чидаб бўлмайди. Хоналарнинг ўзи ҳам идишларни омборларга жойлаш талабларига жавоб бермайди, кўпинча уларнинг усти ёпилмаган, ҳарорат ўзгариши таъсири остида бўлади. Шиша идишларни тайёрловчилар ишидаги ноқулайликларни, оғир қўл меҳнатидан иборат эканлигини ҳам таъкидлаш керак. Бўш шиша идишлар машинага қўлда ортилиб, қўлда туширилиши ҳаммага аён.

Шу вақтга қадар лойиҳачилар янги озиқ-овқат магазинларини лойиҳалашда улар билан ёнма-ён шиша идишлар қабул пунктларини лойиҳалашни унутиб қўйишяпти. Ер майдонларининг, ҳовлиларнинг йўқлиги сабабли харидорлар билан, санитария назорати, ёнғиндан муҳофаза назорати хизматлари билан келишмовчиликлар вужудга келиб туради.

— Чораси йўқми!

— Ўтган йили биз 16 та янги қабул пунктларини очдик. Жорий йилда ҳам бундан кам очилмайди, улар асосан янги турар жой массивларида ишга тушади.

Бўш идишларни қабул қилишнинг янги кўринишлари ҳам жорий этилмоқда. Озиқ-овқат савдоси ташкилотлари шиша идишларни бевосита хонадонлардан қабул қила бошладилар. Янги қурилган, қабул пунктлари бўлмаган кварталларда шундай қилиняпти. Масалан, Ленин район озиқ-овқат савдо ташкилоти «К. Цеткин», «Норхўжаев» массивларида, Космонавтлар проспекти бўйлаб, Фрунзе район озиқ-овқат савдо ташкилоти «Бошлиқ», «Ивановолик тўқувчилар» массивларида, Куйбишев район озиқ-овқат савдо ташкилоти «Високовольт», «Қорасув» массивларида шиша идишлар қабулини ташкил этган. Ана шу ерларда шиша идишлар шанба ва якшанба кунлари соат 10 дан 14 га қадар қабул қилинади.

Бундан ташқари шиша идиш тайёрловчиларни «4-Қўйлиқ» массивида 99-74-25 (2-магазин), 90-27-73 (5-магазин); Ленин районида 91-60-40 (14-магазин); Куйбишев районида 62-55-15 (70-магазин); 64-15-30 (10-магазин); 65-38-41 (22-магазин) телефонлари орқали уйга чақириш мумкин. Шиша идишларни уйга бориб қабул қиладиган бошқа барча магазинлар ҳақидаги маълумотларни харидорлар ўзлари тез-тез мурожаат қилиб турадиган озиқ-овқат магазинларидан олишлари мумкин. Албатта, тайёрловчини уйга чақириш учун камида 20 та бўш шиша идиш бўлиши керак. Уйида идиш топширувчилар шу нарсани билиб қўйишлари керак: прейскурантга мувофиқ улардан шиша идишлар ўз қийматидан ўртача уч тийин арзон нархларда қабул қилинади. Бу пуллар транспорт харажатларига, савдонинг бошқа харажатларига сафрланади.

Сергели ва Фрунзе районларида шиша идишларни қабул қиладиган кооперативлар ишлаб турибди. Улар ҳам идишларни бевосита уйларга бориб қабул қилишади. Бунинг учун Сергели районидан 58-22-63, Фрунзе районидан 53-51-15 телефонлари орқали қўнғироқ қилиш керак. «Таштрансэкспедиция» (телефони 96-18-20) ҳам шиша идишлар қабулини ташкил этди.

— Ғайрат Ҳамидович, шиша идишлар қабулининг яхшиланишидан энг аввало тайёрловчиларнинг ўзи манфаатдор бўлиши керакдек кўринмайдими!

— Ҳа. Шиша идиш қабул қилувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун улар ишбай ҳақ тўлаш усулига ўтказилмоқда. Улар юз сўмлик идишларни қабул қилганликлари учун 2 сўмдан 5 сўмгача пул оладилар. Биз 30 та энг катта шиша идишлар қабул пунктида яна бир усулни жорий этишни мўлжаллаяпмиз: идиш топширувчилар билан атторлик-упа-эликмоллари билан ҳисоб-китоб қилинади. Ана шундай пунктларда иш вақти соат 22 га қадар узайтирилади.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, чанқовбосди ишчиликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳозир ҳам шиша идишлар етишмовчилигини, айниқса пепси-кола қуйиладиган идишлар етишмовчилигини ҳис этишяпти. Шунинг учун сабзавот ва мевалар ялпи қайта ишланадиган мавсумда уларни қандай қийинчиликлар кутаётганлигини башорат қилиш қийин эмас.

Савдо Бош бошқармасида аҳолидан шиша идишларни қабул қилиш ва уларни корхоналарга етказиб бериш қандай бораётганлигини назорат қилувчи бўлим бор. Оқшомхонлар ана шу бўлимга ўз мулоҳазаларини ҳамда шиша идишлар қабулини яхшилашга доир таклифларини 33-72-59 телефони орқали маълум қилишлари мумкин.

Суҳбатни И. МИХАЙЛОВ олиб борди.

⊙ ПАСТЕРНАК ХОТИРАСИ

Тошкент билимлар уйида рус шоири Леонид Борисович Пастернак таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлди. Унда шоир шеърлари, насрий асарларидан парчалар, унинг хатлари, замондошларининг хотиралари янгради. Кечанинг алоҳида бир бўлими «Доктор Живаго» романининг ёзилиш тарихига, муаллифни мамлакат ёзувчилар уюшмасидан чиқишига олиб келган кейинги воқеаларга ва унинг бевақт вафотига бағишланди. Билимлар уйида Навоий номли Давлат халқ кутубхонаси тақдим этган Пастернак китоблари кўргазмаси уюштирилди, стендларга адиб ҳаётининг турли йилларида олинган фотосуратлар қўйилган.

⊙ ЖЎШҚИН ШОИР ЭДИ

«Ўзбектелефильм» студиясининг суратга олиш группаси Сибирда, кўҳна Мариинск шаҳарчасида иш бошлади. Бу ижодий группани ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири — шоир Усмон Носирнинг машаққатли тақдири она юртдан неча минглаб километр узоқдаги бу шаҳарчага отлантирди.

Усмон Носир истеъдоди Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида намоён бўлган, у худди ўша даврларда «Лениннома» ва «Рим ва Нил» достонларини ёзган эди. Лекин шоир қатағон қурбони бўлди, ижодий куч-ғайратлари барқ урган бир даврда ҳаёт билан видолашди. Бироқ юртдошлар ҳамда Кузбасс адиблари Усмон Носирнинг номини унутганлари йўқ. Улар катта қидириш ишлари билан шуғулландилар. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларини ўргандилар, унинг Мариинск шаҳридаги қабрини излаб топдилар. Яқин кунларда қабрга ёдгорлик ўрнатилади.

Усмон Носир фожиаси Сибирь ва ўзбек шоирлари ҳамда носирларини мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғлади. Уларнинг ҳамкорликда ўтказадиган ижодий учрашувлари яхши анъанага айланди. Бундай учрашувларда янги авлод адибларининг ижоди таҳлил қилинади.

«Боғим унутмас мени» — «Ўзбектелефильм» студиясининг Усмон Носир ҳақидаги асари ана шундай номланади. Сценарийчи Р. Сафаров ва режиссёр Б. Аҳмедовнинг фикрича, бу авлодлар тақдири ҳақида ўйлар бўлади.

Сўранг, жавоб берамиз

ДАМ ОЛИШ КУНИ ИШЛАНСА

● Биз ишлаётган корхонада икки сменали иш графиги ўрнатилган. Ҳар доим ой охирида шанба кунлари ишланади. Бундай ишга чиқилмаса йил якунида бериладиган мукофотдан маҳрум қилишлари мумкин эди. Шу тўғрими! Иккинчи сменада ишлаганларга қўшимча ҳақ тўланадими! Дам олиш кунларида ишлаганлик учун-чи!

Г. Турғунова, Н. Мўминов, З. Ҳайдарова.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС 1987 йил 12 февралда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қарашли бирлашма, корхона ва ташкилотларни кўп сменали иш режимига ўтказиш тўғрисида 194-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни кўп сменали иш режимига ўтказиш район ва шаҳар кўламида халқ депутатлари маҳаллий Советлари, касаба союз органлари ва тегишли министрлик ҳамда идораларнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Шунга кўра бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, касаба союз комитети билан биргаликда кўп сменали режимда ишлаб, яхши натижаларга эришаётган ҳамда ускуналардан унумли фойдаланаётган бригада, участка, цех ишчиларига бирмунча афзалликлар берадилар. Жумладан, кўп сменали режимда ишлаётганлар учун йил якунида умумий натижаларга кўра бериладиган мукофот миқдорини ошириш, зарур бўлган вақтда тунги сменаларда ишлаганлар учун бепул ёки арзонлаштирилган нисбий овқат ташкил қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, уларга йиллик отпуска ёки дам олиш уйларига йўлланмалар беришда, дала боғи участкалари ажратишда бирмунча устунликлар берилади.

Қурилиш, транспорт ва алоқа саноатига қарашли бирлашмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларда ишлаётган усталар, участка бошлиқлари, бўлимдаги мутахассис-хизматчиларга қўшимча ҳақ фақат тунги сменада ишлагандагина тўланади.

Биринчи сменадан бошқа сменага ўтиш махсус графикка асосан аниқланади. Ишчини сурункали икки сменада ишлатиш тақиқланади.

Умумий қоидага кўра, тегишлича тасдиқланган иш графиги сменада ишлагандагина тўланади.

Биринчи сменадан бошқа сменага ўтиш махсус графикка асосан аниқланади. Ишчини сурункали икки сменада ишлатиш тақиқланади.

Умумий қоидага кўра, тегишлича тасдиқланган иш графиги ишчи ва хизматчилар учун мажбурий ҳисобланади. Улар тасдиқланган сменани маъмуриятнинг рухсатисиз ўзгартириб, бошқа сменада ишлашга ҳақли эмаслар. Иш графиклари қарори коллектив мажлисида муҳокама қилинади. Сменали иш графиги тартибига кўра кечки кечки ишдан бир ой аввал ишчи ва хизматчиларнинг эътиборига ҳавола қилинади.

Тунги смена кундузги иш вақтининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Тунги сменадан олдинги иш вақти кечки иш сменасига киради. Кечки сменада 20 фоиз қўшимча ҳақ, тунда ишлаганлик учун эса соатбай тариф ставка, яъни ҳар бир соати учун 40 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши кўзда тутилган.

Ой охирида шанба куни ишчи-хизматчиларни ишга жалб қилиш корхонанинг буйруғига асосан йўлга қўйилади. Бундай ҳолларда ишга келмаслик меҳнат интизомини бузиш ҳисобланади. Оқибатда йил якунида бериладиган мукофот пули берилишига таъсир қилиши мумкин.

Дам олиш куни ишлаганлик учун ходим билан келишилган ҳолда бошқа дам олиш куни берилади ёки икки ҳисса ҳақ тўланади.

А. ҲАСАНОВ.

Советлар мамлакатида

✦ **НАХОДКА (Приморье ўлкаси).** Токиодаги «Юнику импорт ДП» фирмаси протезларга муҳтож бўлган собиқ «афғон» жангчилари учун медицина ускуналари етказиб беради. Яқинда «Дальинторг» ташқи савдо бирлашмаси билан шартнома имзоланди. Мутахассислар беморлар аҳволини текшириб кўрдилар, енгил ва қулай протезлар тайёрлаш учун зарур бўлган барча ўлчовларни олдилар.

✦ **НОВГОРОД.** Холм районидаги «Лесной» совхозида ташкил қилинган ижарачилар мактаби қишлоқ меҳнаткашларига соҳибкорлик ва чорвачиликдаги жадал технологияларни ўзлаштиришда, иқтисодий ҳисоб-китоблар ўтказишда, агротехника усуллари билан таништиришда ёрдам беради. Бу ерда ленинградлик ва новгородлик олимлар муаллимлик қиладилар.

✦ **МОСКВА.** Жаҳоннинг 35 тилида чиқадиган «Гиннеснинг рекордлар китоби» нодир справочнигининг биринчи марта рус тилида нашр қилинди. 1974 йилдан буён китобхонлар ўртасида энг машҳур китоблардан бири бўлиб келаётган бу янги нашр Москвада кўрсатилди.

✦ **ГОРЬКИЙ.** Волга бўйидаги шаҳарда Актёрлар уйи очилди. Бу байрам бир кунда тугаб қолмайди: бу ерда театр марафони бошланди. Кўрик халқаро театр кунида, Актёрлар уйида шаҳардаги барча ижодий ташкилотларнинг вакиллари саҳнага тўпланганида якунланади. Билетларни сотишдан тушган маблағ совет маданият фондининг маҳаллий бўлими ҳисобига ўтказилади.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

Шарқ яккакураши усталари

УЧ МИНГ ИККИ ЮЗ ҲАРАКАТ



⊙ ҲАРАКАТЛАР АНИҚ БЎЛСА. У. Узоқов раҳбарлик қилаётган таэквон-до бўйича секцияда машғулотлар пайти.

М. Назаров суратлари.

ЯҚИН-яқингача бу миқтигина йигитнинг шарқ яккакурашининг устаси эканлигини билмасдан юрардим. Ўзи ҳали ёш бўлишига қарамай, таэквон-до бўйича биринчи дан (халқаро классдаги спорт мастери) соҳиби эканлигини эшитиб ҳайрон қоласан киши. Лекин донолар бир гапни тўғри айтишган экан: «Гап ёшда эмас, бошда». Бу иборани Улуғбекка қарата ишлатиш ҳам мумкин. Сабаби, таэквон-до кураш бўлса ҳам унда ўйлаб ҳаракат қилиш керак. Йўқса рақиб зарбасига дуч келиш мумкин.

Таэквон-до бир неча аср илгари Кореяда вужудга келган бўлиб, у яккакураш спорт турлари орасида салмоқли ўрин тутарди. Таэквон-до каратэ, у-шу кабилардан нимаси билан фарқ қилиши сизга маълум бўлса керак. Бироқ, унинг иттифоқимиз бўйлаб ёйилганига ҳали кўп бўлмади.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда таэквон-до билан 350 га яқин ёшлар шуғулланишмоқда. Уларга 12 инструктор қадимги спорт турининг сирларини эгаллашда кўмаклашишмоқда.

Улуғбек Узоқов бошчилик қилаётган 14-ҳунар-техника билим юрти қошидаги секцияга 40 га яқин ёшлар қатнашишмоқда.

— Мен ҳам устозим Вальмир Лигайдан бу машаққатли спорт турининг кўпгина сирларини ўргандим, — дейди биз билан суҳбатда Улуғбек Узоқов. — Эндиликда эса ана шу сир-асрорларни шогирдларимга ўргатмоқдаман. Албатта, йўқ нарсадан бор қилиш жуда мушкул иш. Лекин киши саботсиз, иродасиз бўлса таэквон-до билан шуғулланмаса ҳам бўлади. Зеро, буни кўпчилик тушуниб, тушунмасликка олади. Бу эса ҳаётда, мазкур спорт турини эгаллашда турли говларни вужудга келтиради. Бундай ҳолатни енгиш ҳар нарсадан мушкул.

Улуғбекнинг гапларида ҳеч қандай сир йўқ. Худди шу сўзларни 1989 йилнинг декабрь ойида Корея Халқ Демократик Республикасидан мамлакатимизга ташриф буюрган таэквон-до жаҳон федерациясининг президенти Сон Иль Соп ва жаҳоннинг икки карра чемпиони, таэквон-до бўйича олтинчи дан соҳиби Ли Ен Соклар ҳам айтишганди.

Таэквон-до — ўзига 3200 ҳаракатни жамлаган спорт тури ҳисобланади. Шу ўринда Сон Иль Сопнинг бир жумласини келтиришни жоиз деб билдик. Ундан «Таэквон-до нима?» деб сўрашганда, президент: «Аввалам-бор 3200 та ҳаракатни қунт билан ўрганиш, демакдир» деганди.

Айни кунларда таэквон-до бўйича инструкторлар билан «Меҳнат резервлари» спорт саройида Кореядан шаҳримизга ташриф буюрган таэквон-до бўйича бешинчи дан соҳиби Цой Мунг машғулотлар ўтказмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, яқиндагина Швейцарияда таэквон-до бўйича қитъа биринчилигида ҳамюртларимиз ҳам иштирок этишди. Жорий йилнинг июль ойида эса Канадада мазкур спорт тури бўйича жаҳон биринчилигини ўтказиш мўлжалланган. Ана шу мусобақаларда қатнашиш учун Улуғбек ҳам тайёргарлик кўряпти.

Д. ЖАЛОЛОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ
«ПАРВОЗ» АШУЛА ВА РАҚС ХАЛҚ АНСАМБЛИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС ҚУЙИДАГИ ТУГАРАКЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС ТЎГАРАГИ.

15 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар қатнашишлари мумкин.

РАҲБАРИ: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **НАСИБАХОН МАДРАҲИМОВА.**

МИНИАТЮРА ТЕАТРИ.

18 дан 35 ёшгача бўлган ҳаваскор йигит-қизларни таклиф қилади.

Аския, интермедия, ҳажвий шеърлар ижро эта оладиганлар, комиклар, тақлидчилар тўгаракка марҳамат!

РАҲБАРИ: **Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати СОАТ ШАРИПОВ.**

АШУЛА ТЎГАРАГИ.

Ҳаваскор хонандалар қабул қилинадилар.
РАҲБАРИ: **МАНСУРЖОН МАМИРОВ.**

Ашула ва рақс ансамблининг конкурси машғулот кунлари: якшанба соат 13 дан; душанба, чоршанба кунлари соат 17.00 дан бошланади.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. «Восток» клуби. Телефон 41-05-50.

Конкурсга марҳамат!

Ўзбекистон Маданият фонди
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
26—27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ГЎЗАЛЛАРГА МЕН ҲАМ ШАЙДОМАН» ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

— **«КАМОЛОТ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори**
МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ
«ТОШКЕНТ МАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби
НАРГИЗА ОЛИМОВА
— **«ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори —**
СИЗ СЕВГАН СЎЗ УСТАЛАРИ

ва

КИМЛИГИНИ ЎЗИНГИЗ ТОПИНГ.

«КАМОЛОТ-89» ва «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг рамзий иштирокчиси
ДОСТОН УБАЙДУЛЛАЕВ

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Кечадан тушган маблағни иштирокчиларнинг Ўзбекистон Маданият фондига тортиқлари деб билурсиз.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲМОНЛАРИНИ
ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИНИНГ
«ИППОДРОМ» МЕҲМОНХОНАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Меҳмонхонада яшаганлик учун нақд пул тариқасида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Меҳмонхона турли ташкилотлар ва туристик бюролар билан 1990 йилга

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Комфортли сауна, отда сайр қилиш прокати, файтунда сайр қилиш меҳмонлар хизматида бўлади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, Тошкент республика отчопари («Ипподром» меҳмонхонаси). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 76-29-34, 76-77-37.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ
ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИСИЗ ИШЛАЙДИ

Ана шу пунктларнинг макони ва иш тартибини маълум қиламиз

Магазин номери	Макони	Иш вақти	Танаффус вақти
2	ТТЗ-2 бозори	9—20.00	13—14.00
6	М. Горький проспекти, 89	9—19.00	13—14.00
8	М. Горький проспекти, 65	9—20.00	14—15.00
10	Луначарский шоссеси, 430	9—20.00	14—15.00
12	Марказ-1, 49-уй	9—19.00	13—14.00
13	Марказ-2, 6-уй	9—20.00	14—15.00
15	М. Горький проспекти, 121	9—20.00	13—14.00
18	Високовольт массиви, 101	9—19.00	13—14.00
21	ТТЗ-1 массиви, 31	9—19.00	13—14.00
22	1-Қорасув массиви	9—20.00	14—15.00
23	Новомосковская кўчаси, 17	9—20.00	14—15.00
27	2-Қорасув массиви, 23-уй	9—19.00	13—14.00
37	Луначарский шоссеси, 131	10—20.00	14—15.00
39	Никитин кўчаси, 44	9—20.00	14—15.00
50	Бабушкин кўчаси, 56	9—19.00	13—14.00
65	2-Шимоли-шарқ, жамоат савдо маркази	9—20.00	14—15.00
66	Пушкин кўчаси, 86	10—19.00	14—15.00
75	Луначарский маркази	9—19.00	13—14.00



Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идораси.

«ШУҲРАТ» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
МАКТАБ — ИШ — ТЕХНИКУМ

Носоноат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган группаларга ўқувчиларнинг навбатдаги қабулини ўтказаётган

«ШУҲРАТ» МАКТАБ МАГАЗИНИ

сизнинг олдингизда касб эгаллашнинг ана шундай йўлини очиб беради.

17—25 ёшдаги, 10-синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган қизлар қабул қилинмоқда.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Талабаларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Курсларни битирганлар шаҳар савдо корхоналарига ишга йўлланадилар.

Ўқишни давом эттирмоқчи бўлганларга имтиёзли шартлар билан Тошкент совет савдоси техникумига ўқишга кириш имконияти берилади.

Мактаб-магазин адреси: Тошкент, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй. Транспорт: 6, 11, 12, 13-троллейбуслар, 50, 54, 70, 94, 78-автобуслар. Метронинг «Чилонзор» станцияси. Маълумотлар олиш учун телефон 75-58-77.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўзбекистон ССР Аҳолисига авиация хизмати кўрсатишда ягона масъулиятни таъминлаш мақсадида

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖОЙЛАШГАН БАРЧА АВИАЦИЯ КАССАЛАРИ

1990 йил февраль ойидан бошлаб

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ КОРХОНАСИ ИХТИЁРИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ўз истак ва таклифларингизни, конрет кассалар иши ҳақидаги ўз мулоҳазаларингизни жойлардаги шаҳар агентликлари раҳбарлари адресига, Тошкент шаҳрида — ҳаво алоқалари Марказий агентлиги адресига (700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 9-уй) юборишингизни сўраймиз.

«УЗТРАНСУСЛУГИ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига даъволарингиз бўлган тақдирда уни мавжуд масала ва муаммоларни ҳал этиш учун бир ой мобайнида баён қилишингизни сўраймиз.

МАЗКУР УЗГАРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Тошкент шаҳрида «СЕРВИС» агентлиги қошидаги самолёт билетларини уйга етказиб бериш учун 41-89-10 телефони орқали буюртмалар қабул қилиш хизмати.

ТУГАТИЛДИ

Хизматнинг бу тури Ҳаво алоқаси Марказий агентлиги томонидан 086 телефони орқали маҳаллий вақт билан ҳар куни соат 9 дан 14.00 гача ва соат 15 дан 20.00 гача амалга оширилади.

Бундай буюртмаларни расмийлаштириш вақтида уруш қатнашчилари ва инвалидларга имтиёз берилади.

Юқорида кўрсатилган телефон орқали сизларни самолётларнинг қатнаши жадвали, самолётларда юк ташиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари, бериладиган имтиёз шартлари ҳақида ўзингизни қизиқтирган ахборотларни олишингиз мумкин. Бўш ўринлар сони ҳақидаги ахборотларни сиз фақат кассадан ёки Марказий касса залига (Ш. Руставели кўчаси, 9-уй) ўрнатилган махсус справкалар бюроси ва қуйидаги адресда жойлашган Марказий агентлик филиалидан олишингиз мумкин: Пушкин кўчаси, 88-уй, аэропорт марказий ҳаво линиялари касса зали.

Биноларни ижарага олиш учун шартномаларни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ равишда кассалар ишида рўй бериши мумкин бўлган қисқа муддатли қийинчиликлар, ўйлаймизки, Сизлар томонингиздан тушуниб етилади ва аэрофлотга нисбатан ғайритабиий муносабатлар уйғотмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА АССОРТИМЕНТ ВА МОДАЛАР МАРКАЗИГА:

1—3 разрядли тикувчи-мотористкалар, тикувчи-мотористкаларнинг шогирдлари.

ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

3—5 разрядли малакали тикувчилар.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 3-уй — Октябрь район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ва шахсий автомашиналар эгалари диққатига!

«ТОН» КООПЕРАТИВИ ҚУЙИДАГИ ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАРНИ КУРСАТАДИ

Одамлардан нақд пулга, корхона ва муассасалардан пул ўтказиш йўли билан енгил автомобиль ва уй-рўзғорда ишлатиладиган ойналарга тус бериш (қоронғилатиш).

«Тон» кооперативи қошида автомобилларни қўлда ювиш амалга оширилади.

Иш вақти ҳар куни 10 дан 18.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 26-уй. Автозаправка олдида, Тошкент отчопари яқинида (17-трамвайнинг сўнгги бекати).

Справкалар учун телефон: 76-75-59.

«МАЖНУНТОЛ» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ

«ЕРАЗ», «УАЗ» автофургонларини микроавтобусларга қайта ускуналаш;

— астарига поролон қўшиб мовут ва духобадан тикилган барча маркалардаги автомобиллар учун оддий ва ҳашамли ғилофлар тикиб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Буюртмалар фирманинг ўз материали ва буюртмачининг материаллари эвазига амалга оширилади.

Ҳамма турдаги ишлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 123-уй.

Маълумотлар учун телефон — 63-80-82, соат 18 дан 20.00 гача мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг
МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

станокчи-дурадгор, электр газ-пайвандчи, металл-конструкцияларни йиғувчи-слесарь, кўприк кранларининг машинисти, арматурачи касблари бўйича
1990 ЙИЛ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ОЙДАН 5 ОЙГАЧА.

Ўқиш даврида ўқувчилар ойига 102 сўм стипедия билан таъминланадилар.

Ўқишни тамомлаганлар иш билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 10-алоқа бўлими, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 32-уй (2, 3, 80, 98-автобусларнинг «16-ГПТУ» бекати).

Телефонлар 55-36-11, 54-94-87, 54-95-71, 54-98-72.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/II да **Севгига севги билан,** 17/II да **Отелло,** 18/II да **Этик кийган мушук** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Нажот истаб,** 17/II да **Мирзо Улуғбек,** 18/II да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Ака-ука совчилар,** 17/II да **Шайтон ва муридлар,** 18/II да **Кампир нетармиш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Сўнаётган юлдузлар** (19.00), 17/II да **Шанба оқшоми: Зиёфат, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби араздаи** (16.00), 18/II да **Отаонинг қизи, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби араздаи** (16.00).

КИНО

16 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧКИНА ГУВОҲ» (Ҳиндистон, ўзбек тилида, катта зал, 18.30, 20.45); «КИЧКИНА ГУВОҲ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19, 20.45).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (18.30, 20.45).

Москва — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФАНТОМАС СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (18.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «САМРААТ» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда).

17, 18 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧКИНА ГУВОҲ» (Ҳиндистон, ўзбек тилида, катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «КИЧКИНА ГУВОҲ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЎЗ ФАРЗАНДИ» (11, 14, 17, 20.00).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАҚЛАР» (11, 14, 17, 20.00).

К. Ерматов номли — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «САМРААТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталарининг гастроллари** (16/II да 19.30; 17/II да 16, 19.00; 18/II да 12, 15, 18.00).

Тошкент шаҳар политехникуми томонидан **Шокиров Қаҳрамон Содиқович** номига берилган ГТ-I 313729 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТДАГИ 40-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Совет Армияси сафларидан қайтиб келган ўрта маълумотли ёшларни электрик, қайнатувчи касблари бўйича
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой (2 ой — назария, 4 ой — амалиёт).

Битириб чиқувчилар «Микоид» ишлаб чиқариш бирлашмасида иш билан таъминланадилар.

Ойига 80 сўм стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 106-уй — Кино уйи қаршисида (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

Телефон: 45-47-35.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ
СССР Ички ишлар министрлигининг
КУНДУЗГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА
1990 йил учун
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 4 йил.

Ўқишга ўрта маълумотли, 30 ёшгача бўлган ҳақиқий шошилинч ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 87-уй, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими. Телефон 56-97-43.

Тошкент шаҳар, 31-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Файзиев Фурқат Фозилович** номига берилган Б-946621 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Ҳамза районидаги 11-кечки ўрта мактаб томонидан **Турдиева Мукаррам Джўраевна** номига берилган 865114 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 283-мактаб томонидан **Раҳимов Фарҳод Икромович** номига берилган Д-793687 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош директорининг ўринбосари Н. Н. Нишонова-га акаси

Ортиқбой Нишонович ҚОБИЛЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги қошидаги Тошкент «Енгил саноат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва жамоатчилиги бирлашма ходими

Одилхўжа Юсупхўжаевич БЕРДИХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03109
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.